

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида)

2022 йил апрель ойининг 26-куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини биносиди, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Каримов, И.Исмоиловнинг котиблигида, Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Қобилжонов, жабрланувчининг қонуний вакили М.Абдукодиров ва гумон қилинувчи И.Оллоёровнинг иштирокида,

Оллоёров Иброхимбек Муродбек ўғли, 1994 йил 21 август куни Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ҳайдовчи, оилали, муқаддам судланмаган, Марғилон шаҳар, Қашқар маҳалла фуқаролар йиғини, Нарғиз кўчаси, 32-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1513-2202/241-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, гумон қилинувчи Оллоёров Иброхимбек Муродбек ўғли 2022 йил 3 март куни тахминан соат 17⁵⁰ ларда ўз бошқарувидаги, давлат белгиси 40В401VA рақамли “Дамас” русумли автомашинасида Марғилон шаҳар, А.Навоий кўчаси бўйлаб, бошқариб кетаётиб, ушбу кўчанинг 296-уйнинг олдидан ўтган йўл-қатнов қисмига етиб келган вақтида, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 11-г-бандида кўрсатилган ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт; 77-бандидаги «ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак деган талабларини бузиб, бошқарувидаги автомашинани тезлигини ошириши, кескин тормоз бериши натижасида бошқарувни йўқотиб йўл-қатнов қисмида кесиб ўтаётган велосипедчи вояга етмаган Сатторов Мухаммадали Махсудали ўғлини автомашинаси олди қисми билан уриб юборган, натижада вояга етмаган М.Сатторов тан жароҳати олиб, Марғилон шаҳар ШТЁКБга ётқизилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2022 йил 28 мартдаги 823-сонли хулосасида М.Сатторовда ёпиқ калла мия шикасти, бош мия моддасини геморрагик оғир даражадаги лат ейиши, пасти жағ суягини ёпиқ синиши, бош-энса ва пешона чап томон соҳаси тери ости гематомалари, бош-юз



соҳасини юмшоқ тўқималарини лат ейиши, бурун эгарини шилинмаси, пастки жағ чап томони ва пешона-чап чакка соҳасини қонталашлари аниқланганлиги, бу тан жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисмлар етказилган бўлиб, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражаси “оғир” шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи И.Оллоёров ва жабрланувчининг қонуний вакили М.Абдуқодиров ариза билан муносабат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Жабрланувчининг қонуний вакили М.Абдуқодиров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 3 март куни тахминан соат 17⁵⁰ ларда яшаш уйида бўлган вақтида, ўғли М.Сатторовни Марғилон шаҳар, А.Навоий кўчасидан ўтган йўл қатнов қисмида ҳаракатланиб кетаётган вақтида И.Оллоёров “Дамас” русумли автомашинасида уни уриб юборганлигини эшитгани, ҳозирда ўғлини соғлиги яхшилиги, И.Оллоёровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи И.Оллоёров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 3 март куни тахминан соат 17⁵⁰ ларда ўз бошқарувида бўлган, “Дамас” русумли автомашинасини Марғилон шаҳар А.Навоий кўчаси бўйлаб бошқариб кетаётиб ушбу автомобил йўлида, вояга етмаган пиёдачи М.Сатторовни автомашинаси билан уриб юборганлиги, ҳозирда зарарларни тўлиқ қоплагани, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчининг қонуний вакили М.Абдуқодиров ва гумон қилинувчи И.Оллоёровнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н.Қобилжоновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи И.Оллоёровнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқроорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи ва гумон қилинувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, И.Оллоёровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.



Шунингдек, суд, жабрланувчининг қонуний вакили М.Абдуқодировга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585–586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Оллоёров Иброхимбек Муродбек ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Гумон қилинувчи И.Оллоёров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили М.Абдуқодировга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш.Каримов



Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович



Хужжат имзоланган: Каримов Шукуржон Каримович, 20.05.2022

